

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

АХБОРОТ ХАТИ

Тошкент давлат шарқшунослик институтида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 17 февралдаги “Вазирлик тизимидаги Олий таълим муассасаларида 2017 йилда ўтказиладиган илмий анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 86-сонли буйруғига биноан **2017 йил 28 апрель куни “Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари”** мавзусидаги анъанавий Республика илмий-амалий конференциясининг 9-навбати ўтказилади.

Мазкур анжуман давлат илмий техника дастурлари доирасида институтда бажарилаётган А-1-190-рақамли амалий тадқиқот лойиҳаси режасига ҳам киритилган.

Конференция кўйидаги шўъбаларда иш юритади:

- 1. Тарихий манбашуносликнинг долзарб масалалари*
- 2. Тарихшунослик ва тарих тадқиқотлари методологияси масалалари.*

Конференция дастурини шакллантириш ва тўпламга киритиш учун мақолалар ташкилий кўмитага **25 мартга қадар тақдим этилиши лозим.**

Мақолалар 5-8 бет ҳажмда электрон ва қоғоздаги нусха шаклида жўнатилиши сўралади; Мақолалар матни Microsoft Word-2007, 2010, Times New Roman шрифти 14 кегел катталигида талаб қилинади; мақола А-4 ҳажмли қоғозда 1,5 интервалда, чапдан 30 мм, ўнгдан 15 мм, юқоридан ва пастдан 25 мм жой қолдирилган ҳолда расмийлаштирилган бўлиши лозим; мақола ёки тезис мавзуси бош ҳарфларда, ундан икки қатор пастда муаллиф исми шарифининг бош ҳарфлари ва фамилияси, илмий даражаси, иш жойи ва лавозими тўлиқ кўрсатилади, сўнгра 2 интервал ташлаб матн жойлаштирилади.

Матн илмий, техник ва стилистик таҳрир қилинган бўлиши шарт.

Барча талабларга жавоб берган мақолалар конференция материаллари тўпламига киритилади ва нашр этилади.

Иқтидорли талаба ва магистрантларнинг илмий мақолаларига илмий раҳбар тақриси талаб этилади.

Конференция материаллари тўплами хўжалик шартномаси асосида нашр этилади ва ҳаражатлар муаллифлар томонидан қопланади (Мақоланинг ҳар бир бети учун 10000 сўм).

Ташкилий кўмита: Тошкент давлат шарқшунослик институти Жаҳон сиёсати, тарих ва фалсафа факультетининг Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси.

Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. (5-қават, 501-, 510- хоналар).

Тел: (0371) 252-14-59, (+99894) 649-24-64 ёки (+99890) 933-50-57 (Ойбек метроси ёнидаги бинода). E-mail: mirsodiq@mail.ru